собов, но для того, чтобы точно определить, что нужно делать с конкретным больным, какая у него степень поражения, какое лечение следует предпочесть, применяют специальные методы обследования. В настоящее время основным методом диагностики заболевания вен нижних конечностей является ультразвуковой метод. Существует множество способов лечения болезни (традиционные, нетрадиционные), однако основным местом среди них занимает хирургическая операция. До и после операции важное значение имеют методы консервативной терапии. Возможно, кому-то покажется операция, а кто-то ограничится лечебными трикотажными (гольфы, чулки, колготы) или ему (ей) надо будет провести курс склеротерапии. Подход должен быть индивидуальным.

Выбор методики лечения болезни зависит от стадии и формы заболевания. Словом, если победить свою лень, удастся избежать многих неприятностей со здоровьем.

**Полезные советы:**

1. Во всех случаях ощущимого дискомфорта сосудов ног необходимо обратиться к врачу и начинать профилактику и лечение, постоянно следить за уровнем свертываемости крови.
2. Применение эластической компрессии с использованием специальных бинтов и лечебного трикотажа (гольфы, чулки и колготы) под контролем врача.
3. Всем пациентам с высоким риском или уже развившейся болезнью придется каждый день есть сырые овощи и фрукты, чем больше - тем лучше. А вот жирное, острое и соленое придется резко ограничить.
4. Следует бороться с запором, так как трудности опорожнения кишечника приводят к постоянному увеличению давления в венах и усугубляют венозную недостаточность.
5. Не сидите «нога на ногу».
6. Не носите тесной и облега-

ющей одежды. Тесная одежда, особенно ниже пояса, слишком сжимает область промежности и может действовать как жгут, отчего кровь будет накапливаться в ногах.

7. Не курите и не пейте спиртных напитков. Курение и алкоголь могут быть факторами риска для тех, у кого уже имеются варикозные вены.

8. Носите удобную обувь. Варикозные вены препятствуют собой достаточное неудобство для ног. Не доставляйте им дополнительные хлопоты, надевая туфли на высоком каблуке или «ковбойские сапоги».

9. Во время длительных перелетов или поездок в автобусе, поезде желательно встать и несколько минут походить по салону. Кроме этого, полезны периодические энергичные сгибания и разгибания ног в голеностопном суставе.

10. Во время ночного или дневного отдыха подкладывайте под ноги подушку, чтобы стопы и колени оказались немного выше уровня сердца.

11. При длительном сидении, например за столом, кладите ноги на маленькую скамеечку, а также при вынужденном длительном пребывании в положении стоя, переминайтесь с ноги на ногу.

12. Путешествуя на машине, останавливайтесь каждые 1,5-2 часа, выходя из машины, делать несколько приседаний и 10-15 минут походить вокруг.

13. Если у вас велика вероятность проявления болезни, не принимайте горячих ванн, не посещайте баню и сауну.

14. Избегайте перегрева ног и солнечных ожогов.

15. Если вы намерены пройти курс массажа, особенно «в борьбе с целлюлитом», предварительно посоветуйтесь с врачом-флебологом.

16. Для оздоровления венозной системы полезны и необходимы подвижные виды спорта - бег, велосипед, спортивная ходьба и в особенности плавание.


17. Категорически запрещено заниматься самолечением.

**Сафар МУХАММАДИЕВ,**  
доцент.

За светлое будущее

## «ЕСЛИ НЕ МЫ, ТО КТО?»

**Очень часто мы, взрослые, склонны сомневаться в молодежи: а смогут ли, получится ли, доведут ли до конца, - ведь у них нет опыта, знаний, как это сделать...**



Но как часто мы, взрослые, излишне опекаем молодежь и стараемся чаще подставить свое плечо! Нужно ли это делать или отдать бразды в руки молодежи?

Хороший опыт плодотворной работы по разработке и проведению идей ЦРТ (Цели развития тысячелетия) прошел сначала в Ташкенте, в здании

театра им. Мухими, а потом в Самарканде, в здании кукольного театра в начале 2005 года, где выступали рядом молодежная театральная труппа и студенты-волонтеры самаркандского ННО под руководством Т. Низовой.

Несколько слов о глобальной программе ЦРТ. Цели третьего тысячелетия - одна из основных задач выполнения, как взрослыми, так и молодежью и детьми, программы, которую обозначила ООН во всех странах мира.

Декларация тысячелетия, принятая лидерами государств на Саммите тысячелетия в сентябре 2000 года, отражает общее видение государствами - членами ООН миролюбивого, процветающего и справедливого мира.

Цели развития заключаются в следующем: это большая программа по сокращению бедности и улучшению жизни людей.

К 2015 году, когда заканчивается работа программы, ЦРТ должна быть достигнута. Восемь основных целей, обеспечивающих общую оценку и понимание статуса выполнения Целей развития

тысячелетия охватывают все пункты на глобальном, региональном и национальном уровнях.

Эти все восемь целей направлены на:

1. Ликвидацию крайней нищеты и голода.
  2. Обеспечение всеобщего начального образования.
  3. Поощрение равенства женщин и мужчин и расширение прав и возможностей женщин.
  4. Сокращение детской смертности.
  5. Улучшение материнского здоровья.
  6. Борьбу с ВИЧ/СПИДом, малярией и другими заболеваниями.
  7. Обеспечение экологической устойчивости.
  8. Формирование глобального партнерства в целях развития.
- Дети со всей республики (500 школьников из 13 областей) приняли участие в этой акции. Были награждены 23 победителя памятных подарками ООН. Восемью отобранным рисункам, отражающим все 8 целей ЦРТ, были опубликованы в виде красочных



плакатов и открыток на узбекском, английском и русских языках и широко распространены в республике и за ее пределами.

Большим подарком для школьников Ташкента стало театральное представление «Пинокио», организованное в театре им. Мухими, где в доступном детском пониманию спектакле были озвучены программы по ЦРТ. Презентацию этого спектакля в театре им. Мухими, под руководством ООН и ННО «Болалар ва Катталар», проводили активисты общественной организации с сотрудниками ООН.

В продвижение целей ЦРТ, в Самарканде, в здании кукольного театра с 12-15 января 2005 года, побывали более 15000 детей и школьников.

Выступившие разъясняли школьникам самаркандских школ цели третьего тысячелетия. После спектакля «Пинокио» ребята

в интерактивных играх закрепляли эти знания посредством рисунков, соревнований, загадок. Работал весь зал, никто не остался равнодушным к проблеме здоровья, прав, мира, бережного отношения к семье.

Плакаты детей - победителей республиканского конкурса плакатов украсили дизайн-сцены кукольного театра, вызывая повышенный интерес и внимание.

Представители ООН в Республике Узбекистан, Министерство народного образования, облюбо Самарканд координации эти действия.

Акция, как отметили все, имела большое значение, так как 8 целей, намеченных до 2015 года, очень важны для нашей страны. Все участники так и говорили: «ЕСЛИ НЕ МЫ, ТО КТО ЖЕ» эти вопросы будет реализовывать в нашей республике? Нам здесь жить, учиться и мы хотим, чтобы все эти восемь целей к 2015 году реализовались в нашем солнечном Узбекистане».

**Т. ЧАБРОВА.**  
На снимках: награждение детей памятными подарками, выступает школьник.





## Иккинчи жаҳон урушининг 60 йиллиги олдида ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

раларимизнинг файзи ва кўрки бўлиб юришгани, нақадар буюк неъмат ва бойлик эканлигини бир оғиз сўз билан ифода этишга қалам ожизлик қилади. Биз бундай фахрларимиз билан албатта фахрланамиз, уларни эъзозлаймиз.

«Алифбе» дарслиги муаллифларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, меҳнат қаҳрамони, устоз ва мураббий Оқилхон Шарофидиновнинг 1941-45 йиллардаги урушда қатнашган фарзандларидан шифокор Орифхон Оқилов ана шундай инсонлар сирасига киради.

Ота ўғитларига қўлак тутган Орифхон ёшлигиданок билимга ташна бўлиб ўсди. Шу боис, ўрта мактабни тугатгач, Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Орифхон тиббиёт сирларини

синчковлик билан ўрганар экан, беморларни дарддан фориғ этиш, уларнинг дардига малҳам бўлиш, одамлар ташвиши билан яшаш, халққа кўпроқ наф келтириш орзулари дилига тинчлик бермасди. Лекин тўсатдан бошланган уруш ёш йигит орзуларининг рўёбга чиқишига раҳна солди. У 1941 йили ўқишни битириб, шифокорлик гувоҳномаси билан ҳарбий хизматга сафарбар бўлди.

– Мен ҳарбий хизматни Москвада, ҳаракатдаги армиянинг 415-дивизиясига қарашли ўқчи полкида бошладим, – дея хотиралирайди сўхбатдошим. – Душман тиш-тирноғигача қуролланган бўлиб, уни даф этиш осон эмасди. Қанчадан-қанча юртдошларимиз ҳар бир қарич ер учун олиб борилган аёвсиз жангларда ҳаётдан бевақт кўз юмдилар. Биз ши-

фокорлар ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқиб, уларга шошилиб ёрдам кўрсатиш билангина кифояланиб қолмай, ўрни келганда қўлимизга қурол олиб, ёвга қаршилик ҳам кўрсатардик.

Орифхон Москва остоналариндан Берлингача бўлган оғир устида галаба байроғи марғур ва голибона ҳилпираб турарди. Лекин дилларда ҳамон нотинчлик, безовталик, аллақандай гашлик ҳукм суради. Ана шундай таҳликали кунларнинг бирида дафъатан қўққисдан пайдо бўлган душман танки тиббий хизмат машинасига келиб урилгач, кўпчилик қатори Орифхон ҳам оғир

шикастланди. Унинг оёқ суякларини синган эди. Олти ой госпиталда даволаниб, 1945 йилнинг охириларида қадрдон Ватани – Ўзбекистонга, оиласи бағрига қайтди.

Орифхон бироз саломатлигини тиклаб олди, ўзини меҳнат қучоғига отди. У дастлаб Қўнраб туманидаги Троицкий посёлкасида врачлик амбулаториясини бошқарди. Кейинчалик, қарийб қирқ беш йилдан зиёд Тошкент тумани қишлоқ меҳнатқашларига малакали ва самарали тиббий хизмат кўрсатди, эл-юрт назарига тушди. Унинг кўксини жанговар орденлар қатори тинчлик фронтининг эсдалик нишонлари ҳам беэди.

Элга зиё таратган ота фарзанди Орифхон Оқилов ўзини ҳамон жанговар сафда сезиб, ўзи яшаб турган Юнусобод даҳасидаги Астробод маҳалласида нуруний оқсоқол бўлиб, қилган меҳнатлари нашидасини шукроналик билан сурмоқда.

Искандар РАҲМОН.

**Бепоеён диёримизнинг ҳар бир бурчагида ўзининг ибратли ҳаёт йўли, ахлоқ-одоби билан эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлган, жангтоҳларда мислсиз мардлик, матонат кўрсатган оқ либосли халоскорларимиз, ажойиб инсонлар яшамокда.**

Бу азиз ва табарруқ зотлар бугунги фаровон ва дориломон кунларга етиб келишгани, дав-

**Физиотерапия муолажаларида ишлаётган ҳамшира қизларнинг кўли-қўлига тегмайди. Уларнинг самимий, ширин муомаласи-ю, чаққонлиги одамнинг завқини келтиради.**

Ушбу келажакги порлоқ Андижондаги 4-поликлиника жамоасининг бундай инқилби ва ўз вазифаларига масъуляти билан ёндошишини боиси нимада эканлигини тушуниб етдик. Вилоят 4-поликлиникасига раҳбарлик қилаётган олий тоифали шифокор Раънохон Носировна Сотволдиеванинг ишбилармонлиги, ходимларга талабчанлиги ва ишни тўғри ташкил қила олиши унинг ҳақти-ҳаракати ҳамда сўзларидан кўриниб турибди.

Дилором Кўчқорова 1971 йилнинг 1 март куни Қирғизистон Республикаси Уш шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. У

## Ибрат ҚўЛИ ЕНГИЛ ҲАМШИРА

1986 йил ўрта мактабни тамомлаб, И. Зияев номидаги Андижон тиббиёт билим юртига ўқишга кириб, 1989 йили болалар ҳамшираси мутахассислигини эгаллади. Ўқини тамомлаган ёш ҳамшира илк фаолиятини болалар шифонасисининг реанимация бўлимидан бошлади ва шу ерда саккиз йил меҳнат қилди. Ўз касбини севиб ардоқлаган Дилором, янада юксак чўққиларга эришиш мақсадида Андижон Давлат тиббиёт институтини клиникаси қошидаги уч ойлик уқалаш курсида Азим Азимовдан тахсил олди. У уқалаш сирларини чуқурроқ ўрганиш ниятида, шу клиникада ишлаётган балнеология массажи-уқаловчиларга шоғирд тушди.


2000 йилдан бошлаб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 4-поликлиникада яна ўз фаолиятини давом эттира бошлади. II Жаҳон уруши қатнашчилари, Чернобил АЭС фожиаси иштирокчилари ва барча ҳамюртларимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келаётган олий тоифали массажи Дилором Кўчқорова бурчи ва вазифасига масъулия билан ёндошиши, инсон қадрини юқори тутиб, ўз ишини сидқидилдан адо этиши билан беморлар ва жамоаси орасида обрў-эътиборга сазовор бўлди.

– Дилором ўзининг тиришқоқлиги, масъулиятлиги ҳамда меҳнатсеварлиги тўғрисида аттестациядан муваффақиятли ўтиб,

олий тоифали ҳамшира деган номини олди. У чинакам тажрибали ҳамшира, – дейди физиотерапия бўлими мудириси Мавлуда Набиевна, – Дилором нафақат малакали мутахассис, балки ўзига ва бошқаларга талабчан ҳамширадир. У «Сихат-саломатлик йили» дастурини ўзи учун дастуриламал қилиб, бор билим ва салоҳиятини ишга солиб, шоғирларини ҳам касбига содик, меҳнатсевар бўлиб этишишларига кўмак бериб келмоқда.

– Дилоромхоннинг ўзи чаққон, шуниг учун ҳаммага ёққан, қўллари енгил, – дейди бемор Боходиржон Низомов ўзaro сўхбатда.

Шунингдек, Андижон туманидан бемор Акбаржон Абдуллаев



дил сўзларини изҳор қилиб, шундай дейди: «Оёқ томирларим, тиззам тортишиб оғир эди. Мана, саккиз кун давомида Дилоромхондан муолажа олиб, шифо топдим. Бундан ташқари асаб тизимларини ҳам яхши билар экан. Раҳмат. Барака топсин. Қўллари асло дард кўрмасин».

## ЎЗГАЧА ШУКУҲ

**Мана, бир неча йилдирки, анъана тусига кирган «Ҳамшира» кўрик-танлови республикамиз миқёсида ўзгача шукуҳ ва кўтаринкилик руҳида ўтказиб келинмоқда. Айниқса, «Сихат-саломатлик йили» муносабати билан ўтказилаётган «Ҳамшира – 2005» кўрик-танлови республикамиз виллоятларида ўзига хос тарза нишонланмоқда.**

Жумладан, Андижон виллоятининг сил касаллигига қарши қураш диспансеринда ҳамширалар ўзарo беллашдилар. Улар бешта шарт, яъни маънавият ва маърифат, Ўзбекистон байроғини таърифланг, 2004-2005 йилларда тиббиётдаги ангилқлар, Наврўз тарихини биласизми, пазандликда ким чаққон каби мавзулар бўйича куч синашдилар.

Ниҳоят танлов шартлари тугаб,

### Ҳамшира — 2005



ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Ҳакамлар ҳайъати сўз олиб, голиблар номини ўқиди. Хуллас, ушбу танловда 3-ўрин Гулмира Хонназаровага насиб этди. 2-ўрини бўлим ҳамшираси Ҳаитун Холматова эгаллаган бўлса, танловнинг мутлақ голиби, яъни 1-ўрин совриндори, қабулхона бўлим ҳамшираси Муфаззархон Аҳмедова деб топилди.

Шунингдек, шу куннинг ўзида туман муассасасида фаолият юритаётган фаррошлар ўртасида ҳам мусобақа бўлиб ўтди.

Унда 3-ўрин соҳибаси 1-бўлим фарроши Матлуба Худойбердиева, 2-ўринга йўта бўлим фарроши Хилола Ўрдашова ва 1-ўрин совриндори ошхона бўлим фарроши Ойдиной Ўринбоева деб эълон қилинди. Голибларга фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Ушбу ўтказилган танлов Наврўз шодиёнасига улашиб кетди.

**Жалолiddин ТУРДИЕВ,  
уруш ва меҳнат  
фахрийси.**

### 2005 йил — Сихат-саломатлик йили

## ЯНГИ ШИФО МАСКАНЛАРИ ЭЛ ХИЗМАТИДА

**«Сихат-саломатлик йили» самарқандлик тиббиёт ходимлари учун чинакамига қўтул ва шодиёналарга бой бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш посбонлари амалга оширилаётган эзгу ишлар, яратилаётган қулайликлардан ҳар қанча фахрлансалар арзийди.**

Дастурга мувофиқ қилинаётган бу ютуқлар нафақат тиббиёт ходимларини, балки бутун виллоят ахлини мамнун этмоқда. Яқинда фойдаланишга топширилган қатор иншоотлар ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Оқдарё тумани маркази Ло-

йиш шаҳарчасида янги шифо маскани очилди. Шошилиб тез тиббий ёрдам бўлими учун ажратилган замонавий бинода беморларга барча шарт-шароит яратилган. Реанимация, шошилиб ва режалли жароҳлик бўлимлари дунёнинг ривожланган мамлакатларида ишлаб чиқарилган энг сўнгги асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 276 миллион сўмлик маблағ сарфланган маскан бир вақтнинг ўзида 65 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга.

Собик «Боғишамол» меҳмонхонаси қайта таъмирдан чиқарилиб, туғруқ уйига айлантилди. 400

миллион сўмлик сарф-ҳаражат орқали барло этилган мазкур муассасада оналар ва болалар соғлигини муҳофаза этиш жаҳон андозалари даражасида ташкил этилиши режалаштирилган. Шунингдек, республика «Меҳр нури» жамғармаси томонидан бу ерга 240 миллион сўмлик сўнгги русумдаги тиббиёт жиҳозлари совға қилинди. Аёллар соғлигига эътибор эса келажак авлодга, тугилаётган фарзандлар эртасига фамхўрлик белгисидир.

Самарқанддаги юрак хасталиқнаси қайта таъмирдан чиқарилиб, туғруқ уйига айлантилди. 400



олди, яъни йирик даволаш бинаси барча шароитлар яратилган ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган ҳолда кардиологларга тортиқ қилинди.

Шуни айтиш лозимки, дастлабки чорак якуни бўйича виллоятда яна ўнлаб ҚВП ва амбулаториялар иш бошлади.

**Ҳамза ШУКУРОВ.**



Хотира уйғонса гўзал

## САХОВАТ ОРТИДАГИ УМР

... Кенг айвон саҳнидаги табиат манзараларидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган беморларнинг олдида бир лаҳза ўзини қадрдон дўст каби кўрган меҳрибон шифокор Рўзали Қамбаровнинг ҳаёти саховат нурларидан тирик эканлигини ва унинг умри ширин хотираларга айланиб қолишини ким ҳам ҳаёлига келтирибди дейсиз? Юрагида не-не орзулар оғуши билан яшаётган замондошимизнинг кўз очиб юмгунчалик вақт ичида руҳсиз вужуддан макон топиши йўқотишларимизнинг аччиқ қисматиدير.

Яна бир янги тонг отди. Армон билан тун ботиб, орзу билан кўз очган Рўзали Қамбаров яна жаннат боғларини эслатувчи гўзал маскани томон шошилади. Уни оғриқ нималигини билмай даво топаётган наҳотқалб инсонлар гоҳи мунгли, гоҳида нурилу юзлари билан очик кутиб оладилар. Йулақларда тоза ва мусафо ҳаво бағридан антикиб, завқланиб нафас олаётган беморларни кўрган шифокор улардан бир дақиқа бўлса ҳам ўзининг илиқ ва самимий сўзларини дариг тутмайди. Ҳол-аҳвол сўраб, меҳри иссиқ нурга муҳтож хаста дилларга малҳам бўлишни, меҳр улашини асло унутмайди. Даволаниш хоналарида муолажа олаётган инсонларни кўриб, муаммолар ва фикр-мулоҳазалар билан дўстона уртоклашадиган шифокор-жарроҳ Рўзали қабулхонага келган оғир бемор аёл ҳақида эшитди-ю, шошилганча, беморларни саросимига солмай, одоб нуқтаи назаридан олға ҳаракатланди. Эл соғлигидан доим ташвишланиб юрган шифокор қабулхонадаги ёш аёлнинг кўзларига боқиб, унинг дарди оғирлигини дилдан ҳис этди ва ташвишланиш ишларини кечиктирмай бошлаб юборди. Вужудини дард қийнаётган аёл сўнгги нажотни малакали жарроҳ қўлларидан умидвор кутарди. Хавотир тўла юракларга таскин бера олган Рўзали Қамбаров бой тажрибасига таянган ҳолда аёлни бир ярим соат давомида операциядан муваффақиятли олиб чиқди. Танаси жиққа ҳўл бўлган захматқаш инсоннинг меҳнатлари зое кетмай, бир зум ҳаёллар оғушида қолди. «Инсон ҳаёти жуда сирли, унинг умри эса абадий эмас, гоҳи шод юрса, гоҳи гамдан юраги аланга ичида қоларкан. Дард... Унинг қадами бесўроқ. У доим сизнинг ҳамроҳингиз бўлиб юриши мумкин. Агар унга дўст тутинсангиз, токи умрингиз тугагунча у билан қадрдон бўлиб қолиш мумкин ёки аксинча... Аёлнинг дардлари оғир эди. Яна ва яна бир кун чеккичанда, балки бир инсон ҳаёти билан эрта видолашган бўларди» деган ҳаёллар қуршоғида қолган Рўзали Қамбаровнинг ширин

ўйларини бир қизалоқнинг жарангдор овози тўлқинлантириб юборди. Қизалоқ волидасининг аҳолини билмоқ учун тинимсиз саволлар бериб, жарроҳни ҳоли-жонига қўймак, онасини кўрмоқ истаги борлигини илтимоқ қилиб сўрарди. Ҳаммаси жойида, хавф-хатар ортда қолди. Муҳими янги умид ва ишонч, дилдаги далдалар, қизалоқни хотиржам қилди.

Бемор аёлнинг ҳаёли уйдаги ёлғиз қизининг ташвишлари билан чулғаниб кетди. Чунки, она-ю бола оилада ёлғиз эдилар. Буларнинг баридан хабар топган Рўзали Қамбаров бемор ва қизчадан инсонийлик туйғусини айри тутмади. Доим уларга кўмаклашишни, қанот бўлишини айтди. Ширинсўз ва ширин муомаладан шифо топган аёл кўзларидан севинч ёшлари оқди. Энди ҳаммаси ортда қолди, унут бўлди. Яримта қалби меҳр кўшидан озуқа олди. Ризолик ёшлари билан дилдаги изҳорларини шифокор Рўзали Қамбаровга айтиб адо қила олмади. Қайта кўришиш умиди билан хайрлашган она-ю, қиз бу кун улар учун бир умр сўнгги учрашув бўлиб қолишини ҳаёлларига келтиришмаганди.

Бу воқеалардан сўнг, Рўзали Қамбаров юрак касаллиги туфайли бу фоний дунёдан дорул бақога сайр қилдилар. Рўзи пок юраклар каби бегубор инсонни борлиқдан буткул узоклаштирган ҳаёт 30 йил Фарғона вилояти, Учкўприк тумани шифохонасида бош шифокор бўлиб ишлаб келётган Рўзали Қамбаровни ҳам четлаб ўтмади. Эл хизматидаги меҳрибон инсонлардан айрилиш эса барчамиз учун буюк йўқотишдир. Бу инсонларнинг пок руҳи доим қалбларда мангу ва ёрқин хотираси ҳалқ юрагидида абубабад нафас олиб туради.

**О. ШЕРМАТОВА,**  
Қўжон шаҳри,  
«Саломатлик маркази».

Бу оламга кимлар  
келиб, кимлар кетмади,  
Барча ишлар чала  
қолди, умр етмади.



Инсоннинг болалиги ниҳоятда бегубор бўлади. Ана шу бегуборлик тимсоли гам-алам, андух нималигини билмайди. Болалиқнинг шодон давлари ҳар бир инсоннинг қалбида ҳис-туйғуларни уйғотади. Бу туйғулар орзу сари интилган кишини беҳиётёр ўзига мафтун этади. Ушбу мафтункорликнинг бетакорр соҳибаси бўлган Мавжуда Эргашова ёшлиғиданоқ болалар шифокори бўлишни орзу қилган эди. Ниҳоят Мавжуда 1974 йилда Тош-

кент Педиатрия тиббиёт институтини тугатиб, илк иш фаолиятини Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 15-сон болалар поликлиникасида бошлади. Ўз дардини бировга айта олмайди-ган болажонларнинг қалбига йўл топган ёш шифокор ўзининг ширинсуханлиги ва меҳрибонлиги билан ота-оналар ҳамда жамоа орасида обрў-эътиборга сазовор бўлди. Тиббиёт муассасасида ишлаш у қадар қийин бўлмасда, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида фаолият юритиш бир мунча қийин кечади. Мавжуда опанинг қасбига бўлган иштиёқи ана шу муассасаларга етаклади. Мазкур мас-

## ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Ҳар бир инсон ҳам ҳаёти давомида ўз касби бўйича тинимсиз ҳаракатда бўлиб, имконият даражасида саховат эшикларини сари интилади. Бу албатта унинг муштакам иродаси ҳамда шижоатига боғлиқ. Лекин айни вужудингда меҳнатнинг қайнок даври бўлиб турган бир пайтда, бедаво дардининг тўсатдан чангал солиши муҳиш оқибатга олиб келишини олдиндан билиш қийин экан. Ана шундай бедаво хасталик қалби меҳрга тўла, юзларидан нур ёғилиб турган оқилга бир инсонни бевақт ҳаётдан олиб кетди...

канларда фаолият бошлаган Мавжуда она бор меҳрини кичкинтой ва ўсмирларга бағишлади. Айниқса, мактабгача тарбия муассасаларида ишлаганида болалардаги бегуборликнинг нақадар нафис эканлигини кўриб, ушбу касбни танлаганидан хурсанд бўларди. Лекин уларнинг соғлигини назорат қилиш, гуруҳларда бўлиб тарбиячи ва энгагаларнинг қай тарзда иш олиб боришларини кузатишнинг ўзи бўлмас эди. Ёки бўлмаса муассасадagi 300-400 дан ошиқ болаларни тиббиёт кўриқдан ўтказиш ҳам осон кечмаган. Боласининг соғлиги учун ўз вақтида масъул бўлмаган отанонинг ноўрин шикоятлари шифокор қалбига оғир ботса-да, унинг ширинсўзлиги ва меҳрибонлиги ўз қасбига садоқатли болажон инсон эканлигини кўрсатарди.

Мавжуда опада шундай педагогик қобилият бор эдики, унинг ҳар бир айтган гаплари инсон қалбини тезда забт этарди. Шу боис, М. Эргашова тиббиёт билим юрти талабаларига сабоқ бериб, уларни етук кадрлар қилиб тайёрлашда ўзининг муносиб хиссасини қўшди. Ҳар томонлама истеъдодга эга бўлган инсонни 1991 йилда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 5-болалар оромгоҳига болалар шифокори лавозимига

таклиф қилишди. Тажрибали шифокор бу ерда ҳам бир қанча болажонларни соғлигини тиклашда ўз билим ва маҳоратини аямади. 1998 йилда фидойий инсон Тошкент вилоят марказий шифохонасининг болалар бўлимида навбатчи шифокор бўлиб меҳнат фаолиятини давом эттирди.

Мавжуда Эргашова 2001 йилдан то умрини охириг қунларигача Республика Саломатлик институтининг Тошкент вилоят филиали директори вазифасида ишлаб келди. Шу давр мобайнида инсонларнинг саломатлиги йўлида хизмат қилган Мавжуда Эргашова аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида кўпгина муваффақиятли ишларни амалга оширди.

Қўллаб инсонлар қалбидан ўрин олган, Ватан равнақи учун муносиб хизмат қила олган, уч фарзандни тарбиялаб вояга етказган Мавжуда Эргашова бугун орамизда йўқ. Гарчанд ана шундай қалби пок, меҳрибон, муштипар инсон биз билан бирга бўлмаса-да унинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Республика Саломатлик  
институтининг  
Тошкент вилоят  
филиали жамоаси.

Дил изҳори

## МИНГ ТАСАННО

Инсон доимо ҳаёт ташвишлари-ю, қувончларидан баҳраманд бўлиб яшайди. У ташвишларни бир четга суриб, фақат қувончлар оғушида бўлгиси келади. Лекин ҳар доим ҳам бир хил, яъни қувончларга лиммо-лим ҳаёт кечириб мумкин эмас. Чунки, ўша қувончнинг ҳам ўзига яраша ташвиши бор. Хуллас, мен бу гапларим билан ҳаётдан завқланиб яшанг, бироқ соғлигингизни ҳам унутиб қўйманг демокчиман.

Мана, салкам 60 ёшни қарши олдим. Бу ҳам бир бахт десам хато қилмаган бўламан. Мен ана шу ёшга киргунимча оғриқ нимма, касаллик нимма билмаган эдим. Ҳаётнинг ширин, тотли ва қувончли дәмларидан завқланиб яшадим. Лекин барчаси мен ўйлагандек эмас экан. Яқинда оёқларимда оғриқ пайдо бўлиб, азоб бера бошлади. Ўтиб кетар дея, бепарво юравердим. Борган сайн оғриқлар кучайиб, гўёки оёқларим ўзимга бўйсинмаётгандек эди. Дарҳол тез ёрдамга мурожаат қилдим. Улар бир

зумда худудимиздаги, яъни Учкўрғон туман марказий шифохонасига олиб келди ва муолажаларни бошлаб юборди. Минг афсуслар бўлсинки, бу ерга келиб соғайиш ўрнига дардим оғирлаша борди. Шундан сўнг Наманган вилоят кўптармоқли шифохонасига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. У ерда мени йирингли жарроҳлик бўлими мудирини Комилжон Ёқубжонов илиқлик билан кутиб олиб, «Ўнг оёқ диабетик тоvon синдроми» деб ташхис қўйди ва муолажаларни бошлашди.

Хуллас, К. Абдуллаев етакчилик қилаётган шифохонанинг барча ходимларига, айниқса, К. Ёқубжонов, Н. Аҳмедова, М. Жалилова сингари тиббиёт ходимларига самимий миннатдорчилигимни «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси орқали билдириб, келгусидаги ишларига омад, оилавий бахт, тани-соғлиқ тилаб қоламан.

Абдувоҳид ШЕРМАТОВ,  
Наманган вилояти.



## СОҒЛОМ ҲАЁТ САРИ

Ибн Сино халқаро жамғармаси ва Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида «Соғлом турмуш тарзи, зарарли одатларнинг ёшларга таъсири» мавзусида Шайхонтоҳур туман 102-умумтаълим мактабининг ўқувчи ёшлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда мутахассислар «Соғлом бўлай десанг — соғлом ҳаёт кечир», «Сил касаллигининг олдини олиш», «Гибевандлик иллат», «Ибн Сино таълимотида ижтимоий-иктисодий масалалар» каби мавзуларда сўз юритиб, ушбу касалликлар хусусида батафсил маълумот бердилар.

Учрашув сўнггида тадбир иштирокчиларига мавзуга доир турли хил плакат, буклет ва бошқа қўлланмаларни топширдилар.

Асен НУРАТДИНОВ, муаллиф олган сурат.



## Галаба нашидаси



Тошкент шахар Мирзо Улугбек туманида жойлашган «Умид» болалар спорт мажмуасида ўтказилган спартакиадада ТТЗ тиббий санитария қисмининг тиббий ходимлари голибликини қўлга киритдилар. Бу лаҳзалар галаба нашидасининг қувончли онларидир.

## Билиб қўйган яхши

**Табибларнинг айтишича, корин қозонга ўхшайди, ўсимлик юрак остида доим қайнаб туради. Ундан чиқаётган ҳарорат ва буғ юракка таъсир қилиб, унинг фаолиятида нуқсонлар ҳосил қилади. Олимларнинг айтишича, кишининг мияси, гўё бир уй бўлса, ақл — уни ёритиб турувчи чирокдир.**

Меъдада ҳосил бўлувчи ҳарорат ва буғ мияга кўтарилган, ақл чирогининг нурини камайтириб қолмайди. Одам кўп еб, кўп овқатланишга урганган сари иштаҳаси ошаверади. Шунинг учун ҳам буюк табиблардан Абу Жаъфар: «Ошқозон ажаб аъзоки, оч қўйган саринг тўқдлик ҳолати ошади, тўйдирган саринг очлиги кўпаяваради», деган эди. Кўп ейишдан ҳар хил иллат ва вазвасага тушиш ҳолатлари юз беради ва фахму фаросат пасаяди.

Шунинг учун олимлар: «Кўп ейиш зийраклик ва доноликнинг кушандаси», дейишди.

Табиблар қадимдан очликни турли касалликларга даво сифатида қўллаб келганлар. Очлик билан даволаш касалнинг аҳволига қараб, мутахассислар иштирокида олиб борилади. Очлик билан даволаш муддатини 1 кундан 10 кунгача қилиб белгилаш мумкин. Бемор очлик билан даволашни бошлаган куннинг эрта тонгидан бошлаб овқат емайди. У фақат ҳар кун, ҳар соатда 100 граммдан сув ичиб туради. Бунинг учун қайнаган сувни сирли идишга солиб, музлатгичнинг музхонасига 12-15 соатга қўйиб қўйлади. Яхлагандан кейин унинг тагида қолган сувни оқизиб ташлайди, яхлаган сув пастга да иситилади ва қайнамадан олдинроқ олиб, шу сувдан

ичилади. Бошқа сувлар, жумладан, дистрилланган сув ҳам бўлмайди. Очлик билан даволаш давомида ҳар кун эрталаб ва кечкурун икки маҳал ичаклар орқа чиқарув аъзоси орқали 2 литр сув билан ювилади (қлизма қилинади). Мазкур сувга бир ош қошиқ олма шарбати ёки энг яхшиси сиқилган лимон суви қўшилади. Бу аччиқ таъм беради. Меъда эса чучуқлик макони. Шунинг учун қўйилаётган сув чучуқликни тезда эритиб, бор қолдик ахлатни захарлари билан ташқарига чиқаради. Маълумки,

лаб 3 маҳал овқат ейилади. 4-кунги гуруч микдорини 2,5 ош қошиққа кўпайтириб, 3 маҳал ейилади ва ҳар хил шарбатлар ичмлади. 5 кун гуруч 3 қошиққа етказилади ва 3 маҳал ейилади, уни ейишдан 2 соат олдин озгина димланган қарам, шолғом, сабзи, баклажан помидор, қўкатлар, қизил лавлаги ейиш мумкин. Шу усулда очликдан чиққандан кейин 10-15 кунгача ейилади. Шу муддат давомида қовурилган ва қайнатилган нарсаларни емаслик керак. Агар очлик билан даволашни ўтказишнинг иложи бўлмаса, унда қуйидаги усулни тавсия этиш мумкин. Бунда 15 кун давомида қуйидаги таомни тайёрлаб ейилади: 5 та ярим литрлик шиша банка олиниб, улар номерлаб қўйилади. Шундан сўнг 1 шиша банкага 2 ош қошиқ бозор гуручи солиб, устига тўлгунча иллик сув қўйилади, бир кун тургач сувини тўкиб ташлаб, устига яна иллик сув солиб, музлатгичга қўйилади. Орадан тўрт кун ўтгандан кейин олиб, 10 дақиқа қайнатилади, сўнгра сувини тўкиб ташлаб гуручи ейилади. Худди шу усулда иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи банкала тайёрланади. Бундаги даволаш усули амалга оширилаётганда бўлак нарса ейилмайди. Сув юқорида ёзилган усулда тайёрланиб, ичиб турилади. Ушбу усул 15 кун қўлланилса, одам ичаклари яхши тозаланади ва касаллик ўз-ўзидан шифо топади. Бу усулни бош оғриги, ичак, нафас сиқиси (астма), юрак ва бошқа касалликларда қўллаш тавсия этилади.

Шуни унутмаслик кераки, очлик билан даволанаётганда, аввало врач билан маслаҳатланиши ва унинг назорати остида бўлиш лозим.

## ОЧЛИК БИЛАН ДАВОЛАШ

ичак деворларига кўп йиллар давомида қолдик ахлатлар ёпишиб қолиб, ундаги озқаларни ҳазм қиладиган сўргичларни беркитиб қўяди ва ейилган кўп таомлар инсон танасига яхши ҳазм бўлмадан, тўғри ўтиб кетаверади. Қлизма биринчи 3 кун 2 маҳал эрталаб ва кечкурун қилинади. 4 кундан бошлаб 7 кунгача бир маҳал, иккинчи ҳафтадан бошлаб 7 кунгача бир маҳал, иккинчи ҳафтадан бошлаб кунора қилиб борилади. 3 кунлик, 5 кунлик ёки 7-10 кунлик очлик билан даволашни тўхтатгандан кейин очликнинг охириги кунги кечкурун, бир ош қошиқ бозор гуручидан бўтқа қилиб ейилади. Бўтқага туз солинмайди. Эртасига икки ош қошиқ гуручдан эрталаб ва кечкурун бўтқа тайёрлаб ейилади. Тарвуз, олма, помидор ва бошқа меваларнинг шарбатларидан илжроқ қилиб ичиб турилади. 3 кундан бош-

## Қутлов!

ДИЛАФРЎЗХОН!

Сени 18 баҳоринг билан самимий қутлаймиз! Сенга доимий бахт, омад, тани сизатлик, ўқш ва ишларингда муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб, дўстларинг ва онажонинг Ойша!

## Весеннее меню

### САЛАТ ИЗ РЕДЬКИ С ГРАНАТОВЫМИ ЗЕРНАМИ

Очищенную редьку нарезают соломкой, замачивают в холодной подсоленной воде на 10-15 минут, воду сливают, соединяют с одной частью зерен граната, из остальной части граната приготавливают сок, которым поливают салат. Редька 900, гранат 210. Выход 1000 г.

### САЛАТ ИЗ РЕДЬКИ С СЫРОМ

Очищенную редьку нарезают соломкой, замачивают в холодной воде (подсоленной) на 10-15 минут, воду сливают. После чего перемешивают с нарезанным соломкой сыром, шинкованным укропом. Заправляют сметаной. Перед подачей на стол салат украшают веточкой зелени.

Редька 500, сыр 345, сметана 150, укроп (зелень) 15. Выход 1000 г.

### САЛАТ ИЗ РЕДЬКИ С ОРЕХАМИ

Очищенную редьку нарезают соломкой, замачивают в холодной подсоленной воде на 10-15 минут, воду сливают. Жареные ядра фисташек или грецкого ореха, или миндаль измельчают и смешивают с редькой.

Редька 840, фисташки или грецкий орех, или миндаль 170. Выход 1000 г.

### САЛАТ ИЗ РЕДЬКИ С МОРКОВЬЮ

Очищенную редьку нарезают соломкой, замачивают в холодной подсоленной воде на 10-15 минут, воду сливают, смешивают с нарезанной соломкой морковью, шинкованным репчатым луком. Заправляют уксусом, маслом растительным и посыпают зеленью. Салат можно подавать с красным молотым перцем.

Редька 400, морковь 300, лук репчатый 220, уксус 3%-ный 15, масло растительное 60, укроп, кинза (зелень) 15. Выход 1000 г.

### САЛАТ ИЗ ОВОЩЕЙ И БОБОВЫХ

Очищенные вареные репу и морковь нарезают кубиками, репчатый лук и зелень шинкуют. Горох или фасоль замачивают в холодной воде на 5-6 часов, затем варят. Овощи соединяют с отваренным горохом (нутом) или фасолью (ловией).

Перед подачей на стол заправляют сметаной, оформляют веточкой зелени.

Репка 400, морковь 190, лук репчатый 100, горох (нут) 110, или фасоль (ловия) 110, сметана 100, укроп (зелень) 20. Выход 1000 г.

### САЛАТ «НАВРУЗ»

Подготовленные редис или огурцы, вареные яйца, салат латук нарезают мелкой соломкой, лук зеленый шинкуют, зелень мелко нарезают, все смешивают вместе со специями и заправляют 1/2 частью сметаны.

Перед подачей на стол поливают оставшейся сметаной и посыпают тертым сыром.

Редис красный или огурцы свежие 290, яйца 3 1/2 шт., лук зеленый 35, укроп (зелень) 35, кинза (зелень) 70, салат латук 15, сыр 225, сметана 200. Выход 1000 г.

### САЛАТ «ЯНГИЛИК»

Огурцы соленые или маринованные, очищенные от кожицы и семян, отварной картофель и лук репчатый нарезают мелкими кубиками, смешивают с зеленым горошком, шинкованной зеленью.

Перед подачей на стол заправляют растительным маслом, украшают веточкой зелени.

Огурцы соленые 400, картофель 230, лук репчатый 100, горошек зеленый консервированный 200, укроп (зелень) 20, масло растительное 60. Выход 1000 г.

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» тахририяти жамоаси Республика Саломатлик институти Тошкент вилоят филиали директори

Мавжуда ЭРҒАШОВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

СПЕЦИАЛЬНАЯ ПОСЛАНИЕ  
ВОШТАНКИМИ СМЪЛЪАШЕ  
СЪРАФЪОҚЪРАСЕННЕ  
ЎЗБЕКЪСТАНА

Gazeta muassisi:

O'zbekiston  
Respublikasi  
Sog'liqni saqlash  
vazirligi

Bosh muharrir:  
Po'lat MIRPO'LATOV.  
Ijrochi muharrir:  
Ibodot SOATOVA.

Tahrir hay'ati raisi: F. NAZIROV.

Tahrir hay'ati a'zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. BALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV, M. MIRALIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV, X. RABBANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, M. TURUMBEYOVA, N. TOLIPOV, A. UBAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV.

Manzilimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211. Adadi 12,850 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi. Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash» dan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurima G-355.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taqob. Format A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarining to'g'riligi ushbu reklama va e'lon beruvchilar mas'uldir.

Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.  
Bosmaxonaga topshirilish vaqti 19.00.